



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ,  
АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА  
ТАРЖИМАШУНОСЛИК  
МАСАЛАЛАРИ” РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
(ПРОФЕССОР МУХАММАДЖОН  
ХОЛБЕКОВ ХОТИРАСИГА  
БАҒИШЛАНАДИ)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА  
ТАРЖИМАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ”**

**Республика илмий-амалий конференцияси**

**Жиззах 2021 йил 23 февраль**

**ЖИЗЗАХ 2021**

4. Ивашёва В. В. Литература Великобритании XX века. – М.: Высшая школа, 1984. – 488 с.
5. Анджепаридзе Г. Маргарет Дрэббл и её «рассерженные молодые женщины» // Дрэббл М. Одинлетний сезон. – М.: Прогресс, 1972. – С. 179-187.
6. Кубарева Н. П. Зарубежная литература второй половины XX века. – М.: Московский лицей, 2002. – 207 с.
7. Агеносов В. Генезис философского романа. Уч. пособие. – М.: МГПИ, 1986. – 129с.

## ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

*ф.ф.н.доц. Бойматов Абдужаббор Эшқобилович*  
*Жиззах Давлат Педагогика Институтини*  
*Ўқитувчи Бойматов Абдуазиз Абдужаббор*

*Аннотация:* Ушбу мақолада таржима ва таржимашуносликнинг жамиятдаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

*Annotation:* This article discusses the role of translation and translation studies in society

*Калит сўзлар:* таржима, ФИТ, таржима маҳорати, таржима санъати

**Keywords:** translation, FIT, translation skills, the art of translation

Таржима – миллатлараро алоқа ва мулоқатнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланиб, миллий тил ва адабиётнинг пайдо бўлиши ва унинг таракқиётида асосий ўрин эгаллайди. Таржима ва таржимонларга бўлган эҳтиёж инсоният тарихининг илк даврларидан бошланган. Жаҳон миқёсида таржимачилик ва таржимашунослик ривожланиш босқичида XX аср ўзига хос аҳамият касб этади. 1953-йили Халқаро таржимонлар уюшмаси –ФИТ ( Federation International des Traducteurs) нинг ташкил қилиниши таржимон таржимашунослар фаолиятининг янада равнақ топишида муҳим роль ўйнади. Ушбу уюшманинг собиқ президенти Пьер-Франсуа Кайё таъкидлаганидек, “XX аср –таржима асри”<sup>1</sup> деган номни олди. Бу ҳолат эса XXI асрда янада ривожланиб, таржимашунослик фанининг келиб чиқишига бир туртки бўлди.

XX аср бошлари ва XXI аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё таржимонлари, шу жумладан, Ўзбекистон диёрида яшаб, ижод этган ажойиб таржимонларимиздан Максуд Шайхзода, Шукрулло, Эркин Воҳидовлар Ғарб мамлакатларининг буюк шоирлари-ю, ёзувчилари томонидан чоп этилган шеърлари ва асарларини рус тили воситасида ўзбек тилига угирганлар. Кейинчалик, XX аср охирлари ва XXI асрнинг бошларига келиб, Садриддин Салим Бухорий, Пошали Усмон, Янглиш Эгамова (унинг 2018 йилда И. В. Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романининг ўзбек тилига қилинган иккинчи наشري чоп этилди) Носир Муҳаммад ва Хуррам Рахимов каби таржимонларимиз немис шоир ва ёзувчиларининг шеърлари, асарлари ва эртақларини ўзбек китобхонларига бевосита таржима қилиб тақдим этиб келмоқдалар.

Адабиётни-инсоншунослик фани, таржимачилик ва таржимашунослик эса бу фанга жаҳон бўйлаб кенг йўл очувчи-миллат кўприги, дея таъриф этсак муболоға бўлмас. Фикримиз исботи сифатида “ Таржима маҳорати” китобидан қуйидаги жумлаларни келтириб ўтамиз: ” Агар таржима бўлмаганида, миллий маданиятлар ва

инсониятнинг буюк даҳолари бунёд қилган ўлмас фан ва санъат обидалари бир-бирлари билан абадий учрашмайдиган қоялар ва инсон оёғи етмайдиган ороллар шаклида яққаланиб қолган бўлар эди”<sup>2</sup>. Таржиманинг тиллараро ҳамда ўзаро маданият алоқаларида унинг ( таржиманинг) вазифаси, мавқеи, имкониятлари жуда кенг.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар қаторида ушбу соҳанинг ҳам мавжуд эканлиги диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И. А. Каримов “ Юксак маънавият –енгилмас куч” асарида таржимачилик борасида қуйидаги фикрларини келтириб ўтган:

“Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлмоқда. Лекин, афсуски, бу масалада биз ҳали-бери кўзга кўринадиган амалий натижаларга эриша олганимиз йўқ..... Бу борада қилинган катта ишларни муносиб баҳолаган ҳолда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун хорижий тилларни, адабиёт ва бадиий таржима санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари бизда мавжуд”<sup>3</sup>. Айнан ушбу жабҳада республикамизда кўзга кўринган олимларимиздан Н. В. Владимирова, Ж.Шарипов, Ғ. Саломовлар таржимачилик ва таржимашуносликни ривожлантириш бўйича ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган. Улар ўз тадқиқотларида ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда таржима назариясининг баъзи лингвистик ва поэтик хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилгандилар. Шунингдек, проф. Ғайбулло Саломов ташаббуси билан 1961-йилда “Таржима санъати” илмий альманахи чоп этилди. Унда таржима назарияси ва амалиётинингдолзарб масалалаларига оид мақолалар чоп этилган. Адабиётшунос олим, танқидчи проф. Озод Шарафиддинов ушбу альманахдаги мақолаларидан бирида таржима ва таржимон хусусида қуйидагича тўхталиб ўтган: “Таржима оригинални ғоявий ва бадиий акс эттириш формасидир. У ўқувчига оригинални мумкин қадар тўла ва чуқур билиш имкониятини бера оладиган бўлиши керак.Ўқувчи таржимани ўқиб, оригинал ҳақида тарихий жиҳатдан тўғри тасаввурга эга бўла олсин.... Таржимон таржима қилинаётган асарнинг ўзига хослигини,авторнинг индивидуал услубини ҳам бера олиш керак”<sup>1</sup>. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бирор матн ёки асар

“ аслият тили” дан “ таржима тили” га ўтказилаётганда “таржима маҳсули”

аслиятдан фарқ қилмаслиги, адресатни ўзига жалб этиши таржимоннинг иккала тилни мукамал эгаллашига; аслиятгагина хос бўлган мураккаб турғун бирикмалар, масалан, идиома, афоризм, фразеологик характердаги синтактик бирликларни аутентик тарзда ўгира олишиг ва аслиятдаги фикрни чалкаштириб юбормасликка, яъни бир сўз билан айтганда таржимон истеъдодига боғлиқ. Атоқли олим ва ҳассос публицист Ғайбулло Саломов таржимон истеъдоди қадрини қуйидагича баҳолайди: “Олим таҳлил қилади, ёзувчи тасвирлайди, актёр характер яратади деймиз. Таржимон нима қилади? Таржимон, турган гап таржима қилади ”.<sup>4</sup> Албатта таржимон ўз “маҳсули” бетакроп ва жозибадор чиқиши учун бир нечта таржима усулларида фойдаланади. Жумладан: адекват таржима; муқобил ёхуд эквивалент таржима; калка-сўзма-сўз таржима; изоҳли таржима. Таржимон қайси таржима усулидан фойдаланишидан қатъий назар, унинг энг

олий мақсади матннинг асл маъносини сақлаган ҳолда адресатга (ўқувчига) тўлалигича етказиши зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, бугинги кунда таржимон ва таржимашунос каби кадрларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тайёрлаш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш лозим. Ахборот алмашинуви авж олган бугунги кунда таржима соҳасидаги ижодий ишларни келажак ёш авлодларга етказиш, халқаро мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаб, янада кучайтиришни тақоза этади

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. М. Н. Холбеков “Таржимашунослик ва таржима танқиди” – Тошкент, 2014. 3-9-бетлар
2. Ғ.Саломов, Н.Комилов, З.Салимова, К. Жўраев, Н.Отажонов “Таржимон маҳорати” - Тошкент, 1979.-3-бет
3. И. А. Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” -Тошкент, 2008. -139-бет
4. Ғ. Саломов “Тил ва таржима” - Тошкент, -125-бет

### **МАКРОКАТЕГОРИЯЛАР НАЗАРИЯСИ**

*ф.ф.н. Омон Рисалиевич Исаров,  
ЖДПИ, Инглиз тили назарияси  
ва ўқитиш методикаси кафедраси*

Тилга майдоний ёндашув тил элементлари ўртасидаги ҳам локал, ҳам глобал алоқаларни очиқ беради. Шунинг учун бу йўналиш ҳозирги замон тилшунослигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда тилшуносликда бир қанча макрокатегория (майдон) назариялари мавжуд. Уларнинг асосийларини тушунча категория назарияси, грамматик-лексик майдон назарияси, функционал-семантик категория (майдон) назарияси, типологик категория назарияси ташкил этади.

**Тушунча категория назарияси** машҳур рус тилшуноси И.И. Мещанинов томонидан яратилган [қ.: Мещанинов, 1945]. Тушунча категорияси муайян тушунчани лексик, морфологик ёки синтактик ярус бирликлари ёрдамида ифодалайди. И.И. Мещанинов фикрига кўра, субъект ва предикат — бу тушунча категорияларидир. Аммо, улар гапнинг синтактик қурилмасида ифодаланиб, тилда эга ва кесим грамматик тушунчаларига айланади. Тушунча категориялари билан тил категориялари ўртасидаги муносабатни И.И. Мещанинов куйидагича таърифлайди: «Понятийные категории могут вступать в лексике, синтаксисе и морфологии, и, лишь выявляясь в формальной стороне синтаксиса, морфологии, они становятся грамматическими понятиями» [қ.: юқоридаги асар].

**Грамматик-лексик майдон назарияси** рус тилшунослари Е.В. Гулыга, Е.И. Шендельс томонидан ишлаб чиқилган. Грамматик-лексик майдонни улар куйидагича изоҳлайдилар: «...совокупность разнообразных средств грамматического и лексического уровня призванных выражать и называть общие значения, связанные между собой не случайными отношениями, а отношениями, позволяющими установить определенные закономерности» [қ.: Гулыга, Шендельс, 1969: 184].

## МУНДАРИЖА

| №  | Муаллиф ва мақола номи  | Бет |
|--|---|-----|
| 1  | <i>Шарипов Ш.С.</i> Илмга бахшида умр.....  | 3   |
| 2  | <i>Тўхтасинов И.</i> Илмда синчи, ижодда жўмард олим ҳақида сўз.<br>Профессор Муҳаммаджон Холбеков ижоди мисолида.....  | 5   |
| 3  | <i>Қаришибоева У.</i> Адабиётшунос олим, профессор Муҳаммаджон Холбеков: менинг дорилфунунларим.....  | 8   |
| <b>1 – ШЎБА. АДАБИЁТШУНОСЛИК, ТИЛШУНОСЛИК ВА<br/>ТАРЖИМАШУНОСЛИК ТАРИХИНИНГ РИВОЖЛАНИШ<br/>ТАМОЙИЛЛАРИ</b> |   |     |
| 4  | <i>Якубов Ж. Қаришибоева У.</i> Француз, немис ва рус тиллари таржимасида “хушмуомалалик” категориясининг расмий ёзма мулоқотларда қўлланиш хусусиятлари..... | 14  |
| 5  | <i>Ахмедшина Ф.А.</i> История зарождения переводческой деятельности.....  | 23  |
| 6  | <i>Маматов А.Э.</i> Бадиий таржималарда фразеологизмлар ифодаланиши тадқиқи.....  | 27  |
| 7  | <i>Қосимжонов. У.</i> Бадиий тил полифонияси.....   | 31  |
| 8  | <i>Пардаева З.</i> Художественные модели мира в творчестве Чингиза Айтматова.....   | 36  |
| 9  | <i>Насруллаева Н.</i> Английские фразеологизмы литературной этимологии.....   | 39  |
| 10   | <i>Хасанов Ш.</i> XX аср адабиёти талқинлари.....   | 42  |
| 11   | <i>Мирсанов F.</i> Матн семантикаси.....  | 44  |
| 12   | <i>Sharipov R. Sharipova N.</i> Tarjimon mahoratiga doir ayrim mulohazalar.....   | 49  |
| 13   | <i>Бегматов М.</i> Газета сарлавҳаларининг ўзига хос функциялари.....   | 52  |
| 14   | <i>Нурматов, С.</i> Хиндий тилидаги каср сонларга хос лексик бирликларнинг этимологик таҳлили.....  | 56  |
| 15   | <i>Муҳаммедова Х.</i> Викториан инглиз адабиётида бронте феноменининг ўрганилиши.....   | 61  |
| 16   | <i>Муҳаммедова Н.</i> Замонавий инглиз адабиётида аёллар прозаси.....   | 64  |
| 17   | <i>Бойматов А., Бойматов. А.</i> Таржима ва таржимашуносликнинг жамиятдаги ўрни.....  | 67  |
| 18   | <i>Исаров О.</i> Макрокатегориялар назарияси.....   | 69  |
| 19   | <i>Файзуллаева У.</i> Виржиния вулф ва “маёқ сари” романи.....  | 72  |
| 20   | <i>Қурбонов П.</i> Ж.Г.Байроннинг шарқона поэмаларида драматик вазиятлар ва реал тасаввур.....  | 75  |
| 21   | <i>Рустамов И., Худойназарова Д. Яхшилиқова Н.</i> Таржимада аслиятдаги прагматик хусусиятлар.....  | 79  |
| 22   | <i>Рахимов А.</i> Образование вторичных номинативных единиц в разносистемных языках и их глубинная универсальность.....                                       | 82  |
| 23   | <i>Холмуродова О.</i> Cumulative tales and their feature.....   | 85  |
| 25   | <i>Jabbarova A.</i> Replacing phraseological unit components as a means of  | 89  |